



## РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА СОЛИҚ МАЪМУРИЯТЧИЛИГИ САМАРАЛИ МЕХАНИЗМИНИ ЯРАТИШ САРИ

<sup>1</sup>Джамалов Хасан Нуманжанович

Тошкент молия институти «Солиқлар ва солиққа тортиш»  
кафедраси проф.в.б.,и.ф.н.,

<sup>2</sup>Эргашев Мирзохид

Тошкент молия институти

«Солиқлар ва солиққа тортиш» мутахассислиги магистранти  
<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.7820340>

### ARTICLE INFO

Received: 04<sup>th</sup> April 2023

Accepted: 11<sup>th</sup> April 2023

Online: 12<sup>th</sup> April 2023

### KEY WORDS

### ABSTRACT

Мақолада Ўзбекистон Республикасида иқтисодиёт эркинлашуви ва солиқ тизими модернизациясининг ҳозирги босқичида рақамли иқтисодиёт талаблари асосида солиқ маъмуриятчилиги самарали механизмини яратиш сари амалга оширилган тадбирлар ижроси сарҳисоб қилинган ва яқин истиқболдаги вазифалар илмий асослаб берилган.

### Кириш

Глобаллашув ва рақамлаштириш жараёни электрон ҳукуматнинг кенг ривожланиши асосида солиқ маъмуриятчилиги соҳасига ҳам юқори талабларни қўймоқда. Жаҳон солиқ амалиёти далолат берадики, солиқ сиёсатининг ҳозирги замон талабларига мослашувчанлигини таъминлашнинг замирида самарали солиқ маъмуриятчилигини шакллантириш масаласи ётмоқда.

Жаҳон солиқ амалиётида самарали солиқ маъмуриятчилигини шакллантиришга қаратилган илмий тадқиқотларда хуфиёна иқтисодиёт улушини камайтириш ҳисобига солиқ тушумларини сезиларли тарзда ошириш, солиқ маъмуриятчилигидаги самарасиз харажатларни қисқартириш йўналишлари очиб берилган. Тадқиқотлар натижалари кўрсатишича, айрим мамлакатларда солиқ тушумларининг юқори даражаси солиқ аҳлоқи ва маданиятининг юқорилиги ҳамда солиқ қонунчилигининг барқарорлиги билан боғлиқ бўлса, бошқаларида иқтисодиётда солиқ юкининг юқорилиги, самарасиз имтиёзлар ва солиқ қонунчилигининг нобарқарорлиги боис солиқ тушумларининг паст даражаси мазкур тизимдаги ҳал қилиниши лозим бўлган муаммоларни кўрсатмоқда. Юқорида келтирилган ҳолатлар самарали солиқ маъмуриятчилигини шакллантиришнинг назарий ва амалий муаммолари мавжудлигини кўрсатмоқда ва уларни чуқур илмий тадқиқ этишни тақозо этмоқда.

Ўзбекистонда солиқ маъмуриятчилигининг самарали восита ва усулларидан фойдаланиш асосида “солиқ юкини камайтириш ва солиққа тортиш тизимини соддалаштириш сиёсатини давом эттириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва тегишли рағбатлантирувчи чораларни кенгайтириш”[1], “солиқ қонунчилигини соддалаштириш, солиқ муносабатлари соҳасида норматив-ҳуқуқий



хужжатлардаги қарама-қаршиликлар ва зиддиятларни бартараф этиш, инсофли солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини кучайтириш»[2], «Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш стратегияси вазифалари ижроси якунида солиқ мажбуриятини ихтиёрий бажариш даражасини 90 фоизгача етказиш лозимлиги»[3] таъкидланди. Булар давлат томонидан самарали солиқ сиёсатини юритиш бўйича стратегик режалаштириш ва прогнозлаштириш вазифаларини белгилаб берди. Мазкур вазифалар бюджет даромадлари барқарорлигини таъминлаш, самарали солиқ маъмуриятчилигини шакллантиришнинг услубий асосларини такомиллаштириш заруриятини кўрсатиб беради.

Мазкур вазифалар «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси» да ҳам янада қатъий ва кенг қамровли тарзда қўйилди: «...солиқ юкини камайтириш ва солиққа тортиш тизимини соддалаштириш сиёсатини давом эттириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва тегишли рағбатлантирувчи чораларни кенгайтириш[4] » муҳим йўналиш сифатида белгилаб берилган.

### Таҳлил ва натижалар

Солиқ тушумлари ижроси даражасини ошириш, солиқ базасини кўпайтиришнинг янгидан-янги ва самарали манбаларини қидириб топиш масаласи солиқ муносабатлари субъектларига, шу жумладан, солиқ органларига улкан маъсулиятлар юклайди.

Солиқ маъмуриятчилиги категориясининг моҳияти ва мазмунини тўғри тушуниш нафақат назарий-услубий жихатдан, балки солиққа тортиш амалиётини самарали ташкил этиш ва бошқариш учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Солиқ Кодекси, бошқа қонуности ҳужжатларда солиқ маъмуриятчилигига таъриф берилмаган ҳамда солиқ тушумлари ижросини аниқлаш тартиби белгиланмаган. Шу билан бирга, турли муаллифлар ишларида солиқ маъмуриятчилиги мазмунини таърифлашда ягона ёндошув йўқлигини кўришимиз мумкин (1-жадвал).

Солиқ маъмуриятчилигининг ижтимоий-иқтисодий мазмуни, улар фаолиятининг ҳуқуқий-меъёрий асослари, субъектлари, мақсади, функциялари, тамойиллари ва таркибини яхлит бир тизим сифатида кўриб чиқиш асосида унинг янгича талқинини беришимиз мумкин: «солиқ маъмуриятчилиги – яхлит ташкилий-ҳуқуқий асосларда солиқ муносабатлари субъектларининг ҳамкорликда ўсишга эришишнинг солиқ ҳолатини жорий этиш орқали солиқ мажбуриятларини бажаришнинг ихтиёрийлигини ва мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳавфсизлигини таъминлашга қаратилган информацион муҳитдан кенг фойдаланган ҳолда солиққа тортиш тизимини ва солиқ назоратини давлат томонидан бошқариш жараёнидир».

### 1-жадвал

Иқтисодий адабиётларда солиқ маъмуриятчилиги мазмуни сифатида талқин этилган тушунчалар[5]

Т/р	Солиқ маъмуриятчилиги мазмуни сифатида талқин этилган тушунчалар	Муаллифлар ва адабиётлар манбаси
<b>Хорижий муаллифлар</b>		



1.	Солиқ маъмуриятчилиги мамлакатда амал қилувчи молиявий қонунчилик асосида солиқ тўловлари, имтиёзлари ва амалдаги солиқ режимидан самарали фойдаланиш асосида солиқ тушумлари реал ижроси ҳамда давлатнинг солиқли даромадлар асосидаги молиявий имкониятлари истиқболларини белгилашга оид тадбирлари йиғиндиси	Pessino, C., & Fenochietto, R. (2016). Determining countries' tax effort.
2.	Солиқ маъмуриятчилиги - ҳозирги замон шароитида давлат солиқ хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим йўналиши. Бунда солиқ тўловчиларнинг солиқ тўлай олиш ёки давлатнинг даромад олиш қобилияти баланси эътиборда бўлиши лозим	Kuo, C. Y. Estimation of Tax Revenue and Tax Capacity./ C. Y. Kuo//JDI Executive Programs.- 2015. – №. 2015-08.- 34p.
<b>МХД муаллифлари</b>		
3	Солиқ маъмуриятчилиги – солиқ органлари фаолиятининг рейтинг кўрсаткичи. Ушбу кўрсаткич солиқ тўловлари ҳақиқатдаги тушумлари миқдорини ўрганилаётган даврнинг энг кўп миқдорига бўлиш йўли билан ҳисоб-китоб қилинади.	Сиражудинова С.И. Повышение эффективности налогового администрирования на современном этапе. Автореферат дис. на соиск. уч. степ. к..э.н.. Владикавказ, 2017, с.7.
4	Солиқ маъмуриятчилиги фаолияти бош миқдорий-фискал мезони бўлмиш – солиқ тушумлари ижроси даражаси ҳақиқатда тўланган солиқлар суммасини тегишли бюджетлар солиқли даромадлари режасига бўлиш орқали ҳисобланади. Аслида, ушбу тартибда ҳисобланган кўрсаткич бюджетнинг солиқли даромадлари ижросини англатади.	Дьякова Е.Налоговый потенциал и бюджетная емкость территорий: отличия и взаимосвязь//Налоги и финансовое право, 2012, № 9, с.140-145
<b>Маҳаллий муаллифлар</b>		
5	Солиқ маъмуриятчилиги – солиқ тизимини ва солиқ тушуми ижросини замон талабларида ташкил этишнинг асосий сифат кўрсаткичларидан бири	Бердиева У.А. Improving tax revenue collection in Uzbekistan. // International Journal of Economics, Commerce and Management United Kingdom ISSN 2348 0386 Vol. VII, Issue 6, June 2019. Page 342-348



6	Солиқ маъмуриятчилиги – бюджетга солиқ тушумларининг ўз вақтида тушишини таъминловчи масъул хизмат. Маълумки, солиқ тушумларининг миқдори ҳар йили давлат бюджети даромадлари режалаштирилаётган вақтда аниқланади. Бу жараён молиявий режалаштиришнинг аниқлилик даражасига боғлиқ бўлади.	Абдулов Д.Р., Абдурахманов О.Қ. System of Forms and Methods of Tax Administration in Uzbekistan// International Journal of Innovative Technology and Exploring Engineering (IJITEE) ISSN: 2278-3075, Volume-9, Issue-1, November 2019 Retrieval Number: A9142119119/2019©BEIESP DOI: 10.35940/ijitee.A9142.119119
---	---	---

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 июлдаги “Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4389-сонли Қарорига асосан “Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш Стратегияси”ни ишлаб чиқиш Ўзбекистонни мақсадли ривожлантиришга эришишда муҳим шартларидан бири ҳисобланди.

2019-2021 йилларга мўлжалланган “Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш Стратегияси”нинг бош мақсади иқтисодийнинг рақобатбардошлигини оширишнинг муҳим омили сифатида тадбиркорлик субъектлари ва инвесторлар учун қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, солиқ солиш жараёнларини автоматлаштирган ҳолда, давлат солиқ органларида замонавий йўналтирилган сервис солиқ хизматлари кўрсатишни ташкил қилиш ҳисобланди.

Солиқ маъмуриятчилиги самарадорлигини ҳар бир солиқ турлари, бевосита ва билвосита солиқ гуруҳлари, тармоқлар корхоналари кесимида, шунингдек, республика бюджети ва маҳаллий бюджет солиқлари бўйича баҳолаш мумкин.

Бизнинг фикримизча, солиқ маъмуриятчилиги самарадорлигини солиқлар йиғилувчанлиги даражаси орқали ифодаловчи - солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича тушган жами тушумларни, ҳисобланган жами суммаларга, яъни мажбурий тўловлар, йиғимлар, пеня ва қўлланилган жарималарнинг умумий суммасига нисбати орқали аниқлаш фикрини маъқуллаш мумкин[6] :

$$\text{СЙД (мй)} = (\text{СТ (мй)} + \text{СТ(жп)} + \text{МТ(мй)}) / \text{ЖС (мй)} * 100 \quad (1)$$

Бу ерда:

СЙД (мй) - молия йилидаги солиқ йиғилувчанлиги даражаси;

СТ (мй) - молия йилида ҳисобланган солиқлар учун келиб тушган солиқ тушумлари;

СТ(жп) -молия йилида ҳисобланган солиқлар бўйича қўлланилган жарима ва ҳисобланган пенялар келиб тушган солиқ тушумлари;

МТ(мй)-молия йилида мажбурий тўловлар бўйича тушган жами тушумлар;

ЖС (мй) - молия йилида ҳисобланган жами суммалар.

Бироқ, шуни таъкидлаш лозимки, солиқ маъмуриятчилиги самарадорлиги даражасига ортиқча тўланган солиқ суммалар, жорий йилда қопланган олдинги



йилларнинг солиқ қарзлари, ҳукумат қарорлари асосида ҳисобот даврида кечилган ва ҳисобдан чиқарилган қарздорлик миқдори, солиқ бўйича берилган имтиёзлар ҳам таъсир кўрсатади.

Солиқ маъмуриятчилигини амалга оширишнинг самарали восита ва дастакларини ҳаётга татбиқ этиш ҳозирги кунда унинг мавжуд усуллари тизими (бошқариш, хабардор қилиш, тарбиялаш, маслаҳат бериш, рағбатлантириш, имтиёз бериш, назорат қилиш, ундаш (мажбурлаш), жазолаш)ни такомиллаштиришни талаб этади ва бунинг учун қуйидаги жиҳатлар эътиборга олиниши зарур:

- солиққа тортиш ишларини юритишда солиқ тизимининг энг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат солиқ қонунчилиги бажарилишини назорат қилиш солиқларни тўғри ва тўлиқ ҳисобланишини назорат қилиш;
- солиқларни давлат бюджетига тўланишини назорат қилиш;
- солиқ солинадиган базани кенгайтириш бўйича таҳлил қилиш ва таъсирчан чоралар ишлаб чиқиш.

### **Хулоса.**

1. Солиқ маъмуриятчилиги - бу давлат бюджетига солиқ тушумларининг тўлиқ ва ўз вақтида тушишини таъминлайдиган ва ваколатли органларнинг ушбу мақсадга еришишга қаратилган функция ва вазифалари йиғиндисиди ўз ифодасини топадиган солиқ тизимини бошқаришнинг бир қисмидир. Уларни амалга ошириш технологияси ва солиқ қонунчилигини бузган шахсларни жавобгарликка тортиш. Унинг ривожланиши солиқ маъмуриятчилигининг асосини ташкил етувчи солиқ муносабатларини бошқаришнинг ташкилий шакллари ва усулларини такомиллаштиришдан иборат.

2. Солиқ маъмуриятчилиги - бу ижро ҳоқимияти давлат тузилмалари вакиллари томонидан амалга ошириладиган солиқ тўловчилар билан муносабатларни бошқариш бўлиб, у солиқ муносабатларини тартибга солувчи қоидалар ва қоидаларга ва уларнинг технологиясига риоя этилишини назорат қилишдан иборат.

3. Солиқ маъмуриятчилигининг ажралмас қисми солиқ қонунчилигининг бузилишига қарши курашиш учун мўлжалланган солиқ назорати ҳисобланади. Шу билан бирга, солиқ маъмуриятчилигини амалга ошириш шартларининг ўзгариши назорат тадбирларини ташкил этишга сезиларли даражада таъсир қилади. Солиқ ҳуқуқбузарликлари фактларини улар содир этилганидан кейингина аниқлаш имконини берувчи текширишлар улар содир этилгунга қадар солиқ ҳуқуқбузарликларининг олдини олишга ва уларнинг олдини олишга қаратилган профилактика чора-тадбирлари билан алмаштирилади.

4. Солиқ маъмуриятчилиги қонун ҳужжатларида белгиланган назорат чоралари, ҳаракатлар ва воситалар мажмуасидан фойдаланиш ҳамда барча иш жараёнларини максимал даражада автоматлаштириш асосида солиқларни минимал харажатлар билан максимал даражада ундирилишини таъминлашга қаратилган бўлиши керак. Солиқ маъмуриятчилигининг ҳолати кўрсаткичи бюджетга тушумлар суммалари қийматларининг тегишли қонун ҳужжатларида белгиланган солиқ мажбуриятлари суммалари билан бир хиллик даражасидир.



5. Солиқ маъмуриятчилиги солиқ тўловчиларнинг солиқ мажбуриятларини бажариш жараёнини оптималлаштириш, шериклик тамойилларига асосланиши ва солиқ муносабатлари иштирокчилари манфаатлари мувозанатини сақлаш талабларини ҳисобга олиши керак.

Солиқ маъмуриятчилигининг кўриб чиқилган хусусиятлари уни самарали деб айтишга имкон беради, шу билан бирга солиқ муносабатларининг барча иштирокчиларининг манфаатларига жавоб беради. Бу бизга "самарали солиқ маъмуриятчилиги" таърифининг қуйидаги талқинини таклиф қилиш имконини беради, унга кўра у нафақат давлатнинг бюджет тизимининг шаклланиш шароитида солиқ тушумларини барқарор ва етарли даражада тўлдиришга бўлган эҳтиёжларини қондиришни, балки солиқ тўловчилар билан ҳамкорликни ривожлантиришни, улар учун солиқ мажбуриятларини бажариш тартибларини максимал даражада соддалаштиришни таъминлайдиган солиқ муҳити орқали хизмат кўрсатишга йўналтирилган солиқ муносабатларини бошқариш бўйича ваколатли давлат органларининг ташкилий ҳаракатлари мажмуи сифатида тушунилиши керак.

## References:

1. 2017- 2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 7-февралдаги ПФ-4947-сонли Фармонида 1-ИЛОВА. Халқ сўзи газетаси 2017 йил 8 февраль.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5837-сонли фармони, 2019 йил 26 сентябрь.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 июлдаги ПҚ-4389-сон [қарорига](#) 1-илова"Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш стратегияси"нинг 3-боб, 3.3-банди.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги "2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси ни тасдиқлаш тўғрисида"ги №ПФ-60-сонли Фармони.
5. Артиқов Н.А. Ўзбекистонда самарали солиқ маъмуриятчилигини шакллантириш йўналишлари. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Т.:2021.-57 б.
6. Бердиева У.А.Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида солиқларнинг йиғилувчанлигини ошириш йўналишлари. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс.. Т.:2019. 34-б
7. Djamalov Kh.N., Abdullayev A.B, (2021). Development Of The Methodology Of Accounting Expertise Of Tax Obligations. *The American Journal of Management and Economics Innovations*, 3(05), 151-163.